

## МОВАРОУННАХРДА ТАФСИР ИЛМИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Усмонов Искандар Фозилжонович*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Мовароуннаҳрда тафсир илми, унинг ривожланиши ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** *Қуръон, оят, ҳадис, тафсир, таъвил, набий, саҳобий, тобиий, муҳаддис, муфассир, мазҳаб.*

Тафсир сўзининг луғавий маъноси “изоҳ”, “шарҳ”дир. Арабларда илмий, фалсафий асарларга битилган шарҳлар ҳам тафсирлар деб аталган. Қуръонда ҳам “тафсир” – “шарҳ” маъноси да қўлланилган:

“Улар сизга бирон мисол келтирсалар албатта, Биз сизга ҳақ ва энг гўзал шарҳни келтириб қўйдик”<sup>1</sup>.

Тафсирга берилган таърифларни умумлаштириб шундай дейиш мумкин, “тафсир араб тилини мукамал билган ҳолда Қуръон, ҳадис, саҳобий ва тобиийлар ривоятдан фойдаланиб, инсон кудрати доирасида Қуръон оятларини шарҳлаш, изоҳлашдир”.

Шунингдек, тафсир сўзига алоқадор яна бир ибора “таъвил” сўзи мавжуд бўлиб, у ҳам тафсир қилиш, шарҳлаш маъноларини англатади.

Тафсир ва таъвил ҳақида мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий шундай деган: “Тафсир бу сўзнинг маъноси қатъий мана шу дейиш ва Аллоҳ ўша сўздан мана шуни назарда тутган деб, гувоҳлик беришдир. Агар бунга далили бўлса, у ҳолда сўзи тўғри, акс ҳолда, у фақат ўзининг раъйи билан тафсир қилган бўлади. Бу ман этилган. Таъвил эса, бирор сўзнинг тахминий маъносини келтириб, уни қатъий деб айтмай ва Аллоҳнинг назарда тутгани мана шу, деб гувоҳлик бермаган ҳолда ўша маънони бошқа маъноларидан устун қилишдир”<sup>2</sup>.

Илк ислом даврида тафсир илми ўзига хос жиҳатлар билан фарқланиб турди. Бу ҳам бўлса, Қуръонга оид маъноларнинг Муҳаммад (с.а.в.)нинг шарҳ беришлари билангина кифояланилди. Буни иккига ажратиб кўриб чиқса бўлади. Биринчиси, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлик вақтларида саҳобийларнинг саволларига жавоб тарзда Қуръон оятлари ва сўзларига шарҳ беришлари. Бу ҳақда Ибн Халдун “Муқаддима” асарида шундай ёзади: “Набий (с.а.в.) саҳобийларга Қуръоннинг мужмалларни айтиб, носих ва мансукларини ажратиб,

<sup>1</sup> Фурқон: 33

<sup>2</sup> Ас-Суютий. Ал-Итқон фий улум ал-Қуръон. – Қоҳира: Матбаа Мустафо, 1951. (Бундан кейин ал-Итқон фи улум ал-Қуръон) Ж. 2. –Б. 173.

уларга ўргатар эдилар”<sup>3</sup>. Иккинчиси, саҳобийларнинг Муҳаммад (с.а.в) вафотларидан кейин ҳадислар, араб тили, оятнинг нозил бўлиш сабаблари, ўз билим имкониятларига суяниб Қуръонга шарҳ бериш даврлари.

Саҳобийлар тафсир қилишда энг аввало, Қуръон ва ҳадисга мурожаат этганлар. Шу билан бирга, Қуръон ва ҳадисларда шарҳ мавжуд бўлмаса, ўзлари ижтиҳод ҳам қилганлар.

Мовароуннаҳр тафсир илми тарихи ҳадис илмининг кириб келиши билан бевосита боғлиқдир. Чунки, Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобийларнинг Қуръонга ёзган шарҳлари ҳадислар таркибида жамланган. Аввал зикр этганимиздек, Умар ибн ал-Хаттоб буйруғига кўра араблар Марвгача бориб, ўзлари ўрганган илмлардан ҳадисларни маҳаллий халққа ўргатадилар. Сўнг исломий илмлар Бухоро, Самарқанд, Шош, Насаф каби диёрларда мустаҳкам ўрнашади.

Бу борада VIII асрда тобийлардан таълим олган Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазийнинг тафсир борасидаги фаолиятини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. У Ўрта Осиёда ўтган илк муҳаддис, муфассир олимлардан ҳисобланади. У ёшлик пайтида Абу Ҳанифага шогирд бўлди. Шунингдек, тобийлардан Рабиъ ибн Анас ибн Зиёд ал-Бакрий унга таълим берган. У шеърлар ҳам ёзиб, одоб-ахлоқ, инсонийлик нафосатини улуғлаган. У тафсир соҳасида ҳам фаолият олиб борган. Унинг “Китоб аз-зуҳд ва ар-рақоик” асари илм аҳли орасида машҳур китоблардан саналади. У аввалгилардан бўлиб ҳадисларни китоб шаклига келтирган олимдир. Унинг юртимизда ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси юқори ҳисобланади.

Шунингдек, унинг “Тафсир” асари ёзганлиги ҳақида айрим манбаларда зикр этилган. Лекин унинг тафсири бизнинг давримизгача етиб келмаган. “Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик”, “ал-Бирр ва ас-сила” асарларида келтирилган ҳадислар орасида баъзи Қуръон оятларига берилган шарҳларни кузатиш мумкин. У ўз асарларида оятлар шарҳига доир ҳадислар билан бир қаторда, саҳобий ва тобийларнинг ҳам шарҳларини келтиради. Унинг бу нақллари кейинги давр олимлари асарларида фойдаланилди. “Ал-Бирр ва ас-сила” асарида 10дан ортиқ оятларга шарҳлар ривоят қилинган<sup>4</sup>.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим
2. Ас-Суютий. Ал-Итқон фий улум ал-Қуръон. – Қоҳира: Матбаа Мустафо, 1951. Ж. 2. – 220 б.
3. Ибн Халдун. Муқаддима. –Байрут: Дор ал-авда, 1982. 556 б.

<sup>3</sup> Ибн Халдун. Муқаддима. –Байрут: Дор ал-авда, 1982. – Б. 489

<sup>4</sup>Довудий Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад. Табақот ал-муфассирин / Абдуссалом Абдулмуъин таҳрири остида.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2002. (Бундан кейин Довудий. Табақот ал-муфассирин) Б.243.

4. Довудий Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад. Табақот ал-муфассирин / Абдуссалом Абдулмуъин таҳрири остида.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2002. – 324 б.
5. Окилов С. Абул-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотурудия таълимоти. – Тошкент: Муҳаррир, 2008. – 181 б.
6. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 203 б.
7. Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти (Маъруза матни). – Тошкент: Маънавият, 2000. – 16 б.